

Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича  
ШАРТНОМА № 190

Навоий шаҳри

2022 йил «19» январь

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Навоий вилояти Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Н.Б.Ниязбеков (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан «Қишлоққурилишбанк» АТБ Навоий филиали (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан низоми ва ишончнома асосида фаолият юритувчи бошқарувчиси Ғ.Н.Нормуродов, иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар хақида туздилар:

**1-боб. Шартнома предмети**

1. Ижрочи қўриқлаш хизматининг соқчилик хизмати ва техник қўриқлаш пунктдан фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкни қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**2-боб. Умумий шартлар**

**2. Буюртмачи:**

**Соқчилик хизмати орқали:**

- Навоий шаҳар Ғалаба шох кўчаси 149А уйда жойлашган «Қишлоққурилишбанк» АТБ Навоий филиали маъмурий биносини (келгусида «объект» деб юритилади) 1 та 24 соатлик соат 09:00дан соат 09:00 га қадар қўриқлаш учун Ижрочиға топширади, Ижрочи қабул қилади.

- Конимех тумани Агро банк маъмурий биносидан Конимех тумани Бирлик МФЙда жойлашган АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Навоий филиалига қарашли Конимех банк хизматлар курсатиш марказига кузатиб келиш, хизмат олиб бориш ва иш вақти тугагандан сўн Конимех тумани Агро банк маъмурий биносига кузатиб бориш иш кунлар душанба кундан жума кунига қадар 8 соатлик соат 09:00 дан соат 17:00га қадар Ижрочиға топширади, Ижрочи қабул қилади.

**Техник қўриқлаш пункти орқали:**

- Банк кечки кассасини ҳар куни 10 соатлик соат 21:00дан соат 07:00гача;
- Банк пул сақлаш омборхонасини ҳар куни 10 соатлик соат 21:00дан соат 07:00гача;
- Банк кириш эшиги ҳар куни 7 соатлик соат 23:00дан соат 06:00гача;
- Шлейф прибор ППСУ ҳар куни 7 соатлик соат 23:00дан соат 06:00гача;
- Навоий шаҳар Меъморлар кўчаси 11А уйда жойлашган «Ширин» мини банкини ҳар куни соат 20:00дан соат 09:00гача;
- Навоий шаҳар Торобий кўчаси 105А уйда жойлашган «Юксалиш» мини банкини ҳар куни соат 20:00дан соат 09:00гача;
- Навоий шаҳар 17Б-кичик туман Марказий буюм бозори худудида жойлашган «Тараккиёт» мини банкини ҳар куни соат 20:00дан соат 09:00гача;
- Навоий шаҳар А.Темур кучаси 2-уйда жойлашган «Гулистон» мини банкини иш куни соат 20:00дан соат 09:00гача, шанба, якшанба кунлари кунлари соат 18:00дан соат 10:00гача,;
- Навоий шаҳар Спутник қўргони С.Айний кўчаси 93 уйда жойлашган «Бунёдгор» банк хизматлари марказини ҳар куни соат 20:00дан соат 09:00гача;
- Навоий шаҳар Спутник қўргони С.Айний кўчаси 93 уйда жойлашган «Бунёдгор» банк хизматлари марказида жойлашагн банкоматини ҳар куни 6 соатлик соат 00:00 дан соат 06:00гача;
- Навоий шаҳар Спутник қўргони С.Айний кўчаси 93 уйда жойлашган «Бунёдгор» банк хизматлари марказида жойлашагн банкоматини ҳар куни 6 соатлик соат 00:00 дан соат 06:00гача;
- Навоий шаҳар Гулистон массивида жойлашган «Чўтқара» банк хизматлари кўрсатиш марказини ҳар куни соат 20:00дан соат 09:00гача;
- Зарафшон шаҳар 11-кичик тумани 16а-уйда жойлашган Зарафшон банк хизматлари кўрсатиш марказини иш кунлари 12 соат 18:00 дан 09:00 гача шанба ва якшанба кунлари 24 кунлари 09:00 дан 09:00 гача
- Навоий шаҳри Ғ.шох кучаси 149А уй банк биноси ёнида жойлашган 24/7 банкомат ҳар куни соат 00:00дан 06:00гача;
- Навоий шаҳри М.Таробий кучаси 105А уй Юксалиш БХМни ёнида жойлашган 24/7 банкомат ҳар куни соат 21:00дан 06:00гача;
- Навоий шаҳри 7-кичик даха Навоий СК худуди Тараккиёт БХМни ёнидаги банкомат ҳар куни соат 00:00дан 06:00гача;
- Навоий шаҳри Меъморлар кучаси 11А уй Навоий Автосавдо биносидаги банкомат ҳар куни соат 00:00дан 06:00гача;
- Навоий шаҳри Ғ.шох кучаси 149А уй банк биноси ёнида жойлашган 24/7 банкомат ҳар куни соат 00:00дан 06:00гача;
- Навоий шаҳри 7-кичик даха Навоий СК худуди Тараккиёт БХМни ёнидаги банкомат ҳар куни соат 00:00дан 06:00гача;
- Навоий шаҳри Гулистон 3 Чўтқара БХМни биносидаги банкомат ҳар куни соат 21:00дан 06:00гача;
- Навоий шаҳри Марказий дехкон бозори Курук мева 3 павилонидаги банкомат ҳар куни соат 00:00дан 06:00гача;
- Навоий шаҳар Марказий дехкон бозори Курук мева павилонидаги банкомат ҳар куни соат 00:00дан 06:00гача;
- Навоий шаҳар М.таробий кучаси 105А уй Юксалиш БХМни ёнида жойлашган 24/7даги банкомат ҳар куни соат 00:00дан 06:00гача;
- Навоий шаҳар 10-МКР дехкон бозори худуди И.Каримов кўчаси Автобекатдаги банкомат ҳар куни соат 00:00дан 06:00гача;
- Қизилтепа туманидаги мини банкини душанбадан шанба кунигача соат 18:00дан 09:00гача, якшанба куни 24 соат соат 09:00дан 09:00гача;
- Конимех туманидаги банк хизматлари кўрсатиш марказини ҳар куни соат 23:00дан 06:00гача ТҚП орқали қўриқлаш учун Ижрочиға топширади, Ижрочи қабул қилади.

### **Техник қўриқлаш пункти ташвиш тугмаси орқали:**

- Навоий шаҳар Меъморлар кўчаси 11А уйда жойлашган “Ширин” мини банкни иш куни соат 09:00дан соат 20:00гача, шанба, якшанба кунлари соат 10:00дан соат 18:00гача,
- Навоий шаҳар Торобий кўчаси 105А уйда жойлашган “Юксалиш” мини банкни ҳар куни соат 09:00дан соат 20:00гача, шанба, якшанба кунлари соат 10:00дан соат 18:00гача,
- Навоий шаҳар 17Б-кичик туман Марказий буюм бозори худудида жойлашган “Тараққиёт” мини банкни иш куни соат 09:00дан соат 20:00гача, шанба, якшанба кунлари соат 10:00дан соат 18:00гача,
- Навоий шаҳар А.Темур кучаси 2-уйда жойлашган жойлашган “Гулистон” мини банкни иш куни соат 09:00дан соат 20:00гача, шанба, якшанба кунлари соат 10:00дан соат 18:00гача;
- Навоий шаҳар Спутник қўрғони С.Айний кўчаси 93 уйда жойлашган “Спутник” банк хизматлари марказини ҳар куни соат 09:00дан соат 20:00гача, шанба, якшанба кунлари соат 10:00дан соат 18:00гача;
- Навоий шаҳар Гулистон массивида жойлашган “Чўтқара” банк хизматлари кўрсатиш марказини ҳар куни соат 09:00дан соат 20:00гача, шанба, якшанба кунлари соат 10:00дан соат 18:00гача;
- Қизилтепа туманидаги мини банкни ҳар куни соат 09:00дан 13:00 гача 14:00дан 18:00гача;
- Конимех туманидаги банк хизматлари кўрсатиш марказини иш кунлари соат 17:00дан 23:00гача;
- Зарафшон шаҳар 11-кичик тумани 16а-уйда жойлашган Зарафшон банк хизматлари кўрсатиш марказини иш кунлари 9 соат 09:00 дан 18:00 гача ТҚП орқали қўриқлаш учун Ижрочига топширади, Ижрочи қабул қилади.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

### **3-боб. Тўловларни амалга ошириш**

8. Мазкур шартнома бўйича кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифлар ва смета-ҳисобларга мувофиқ тарзда белгиланади ва у шартноманинг ажралмас қисми саналади (илова-1)

9. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш конун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда янги тарифлар асосида ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади. Ушбу ҳолатда янги талқиндаги илова-1 ўзаро келишувга мувофиқ икки томонлама тасдиқлаш йўли билан амалга оширилади. Янги талқиндаги илова-1 тасдиқланган кундан бошлаб аввалги талқиндаги илова-1 ўз кучини йўқотади.

10. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 3 кун ичида мазкур Шартнома баҳосининг 30 фоизи миқдоридан аванс тўловини амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи беш кун ичида аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловни амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи миқдоридан аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.

11. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 10-бандида кўрсатилган ойлик тўловни (аванс тўловини) ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига акцептсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

### **4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

12. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочидан белгиланган қўриқлаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар қўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, қўриқлаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишни талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

13. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган кўздан кечириш далолатномасига асосан қўриқлашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник қўриқлаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш

воситалари, кулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнгин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жиҳозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни объект ҳудудининг девор тўсиғидан 5 метр узокликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргалликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, кўриклашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнгиндан кўриклаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари. Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибни кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган кўриклаш режими талабларини бажариш ва техник кўриклаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, кўриклаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки қўшимча кўриклаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида 15 кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида кўриклаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда кўриклашга топшириш. Объектни кўриклашга топширганлик ҳақида техник куриклаш пункти (ТҚП)ни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг кўриклашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнгиндан кўриклаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик кўриклашга топшириш, эшиклар кулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном кўриклаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, кўрикланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнгин манбаларининг ёқилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймаслик;

кўрикланаётган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда кўриклашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни кўриклашга топшириш, кўриклаш тугагандан сўнг кўриклашдан чиқариш;

кўрикланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунига қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга кўриклаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пулт рақамларини ошқор қилмаслик;

Ижрочи вакиллари объектдаги ички тартиб ва техника ҳавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

#### 14. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган кўриклаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

#### 15. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патруль йўналишига) мувофиқ кўриклаш нарядини жорий этиш; мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда кўриклашга топширилган моддий қимматликларни кўриклашни ташкил этиш ва таъминлаш;

кўрикланаётган ҳудуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктдан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни кўриклаш вақтида жойдаги ёнгин ҳавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнгин чиқиши ёки ёнгиндан кўриклаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнгин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;

ёнгиндан кўриклаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаб кетиш сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриклаш турларига мо бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни кўриклашга қабул қилганда ва топширганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва кўриклашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жихатдан мустаҳкамлигини, кўриклашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнғиндан кўриклаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

кўриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида ички ишлар органининг навбатчи қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, ички ишлар органи вакили етиб келгунга қадар ҳодиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

#### **5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги**

16. Мазкур Шартноманинг 10-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

17. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

18. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

19. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлиқ миқдорда қопланади.

20. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

21. Қўйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлиқ бажарган бўлишига қарамасдан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний қучга кирган қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда; буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

22. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

#### **6-боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

23. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

#### **7-боб. Форс-мажор**

24. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган қуч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

25. Енгиб бўлмайдиган қуч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер қимирлаши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевоқиф таъсир кўрсатган қарорлари қиради.

26. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас қуч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

#### **8-боб. Яқуний қондалар**

27. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб қучга қиради.

(Агар Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилган бўлса газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қучга қиради).

28. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

29. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади: хўжалик юритувчи субъектлар бўйича: Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунига қадар;

(бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича: белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб йилнинг 31 декабрь куни охиригача).

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочиға Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

30. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачиға етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

31. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 10-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

32. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида қўриқлаш тартибини бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

33. Томонлар мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида 30 кун олдин ёзма равишда маълум қилади.

34. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномаға қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

35. Мазкур шартнома кучға кириш билан 11.05.2021 йилдаги 1060-сонли шартнома ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

#### 9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

«ИЖРОЧИ»: Ўз.Рес МГ Навоий вилояти Қўриқлаш бошқармаси.

Манзил: Навоий шаҳар С.Айний кўчаси 81-уй ХХТУТ: 1712401 ОКОНХ: 97920.

Х/Р: 21596000803988528001 МФО: 00020 СТИР: 201424691.

Банк бўлими: Марказий банк ББ Навоий шаҳар ХККМ.

«Буюртмачи»: АТБ Қишлоққурилиш банк Навоий минтақавий филиали

Манзили: Навоий шаҳри Ғ.шоҳ кўчаси 109А уй.


Ш.х/р: 1610300000000202001 МФО: 00202 СТИР: 200007317

Банк бўлими: АТБ Қишлоққурилиш банки Навоий минтақавий филиали



"ТАСДИКЛАЙМАН"

Ўзбекистон Республикаси Миллий Твардияси  
Навоий вилояти Қўриқлаш бошқармаси  
бошлиғи  
**Н.Б.Ниязбеков**



"КЕЛИШИЛДИ"

АТБ "Қишлоққурилишбанк" Навоий минтақавий  
филиали бошқарувчиси



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.08.2021 йилдаги ПК-5029 қарори ҳамда Ўз.Рес. Молия вазирлиги ва Ўз.Рес.Миллий  
Твардияси қўмондонининг 2021 йил 13-сентябрда тасдиқлаган таврифта асосан, АТБ "Қишлоққурилишбанк" Навоий минтақавий филиалининг Маммурий биносини  
Твардияси қўмондонининг 2021 йил 13-сентябрда тасдиқлаган таврифта асосан, АТБ "Қишлоққурилишбанк" Навоий минтақавий филиалининг Маммурий биносини  
Сарф бўлимадлари (Сокчилик хизмати) пости орқали қўриқлаш сарф-харажатлари тўғрисидаги

**Х И С О Б - С М Е Т А**

№	Объектни номлаши	Объект манзили, телефон рақами, иш соати, дам олиш кунлари.	Қўриқлаш тури	Қўриқлаш соатлари			Ой мобайнида қўриқлаш соати	Қўриқлаш хизмати нархи		Уртача 1 ойга Хулуд коэфф. сиз 20%	Хулуд коэффициенти 20 %	Уртача 1 ойга
				Иш кунлари	Дам олиш ва байрам кунлари арафаси	Дам олиш ва байрам кунлари		1 соатга	Хулуд коэфф.сиз 20%			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
1	Маммурий бино	Навоий шаҳар Гадаба шох кўчаси 149 А уй	Сокчилик хизмати	09/09	09/09	09/09	730	58 304	42 561 920	1 390 824	43 952 744	
	<b>Жами</b>											

1 ой учун жами:

**43 952 744,00**

**Қирқ уч миллион тўққиз юз эллик икки минг етти юз қирқ тўрт сўм 00 тийин**

Навоий вилояти Қўриқлаш  
бошқармаси МИБ бўҳталтери

**Ж.Х.Сайитов**

Навоий вилояти Қўриқлаш бошқармаси  
МИБ ШХЮБ бошлиғи

**М.М.Зоиров**

Изоҳ: 1) Ушбу қўриқлаш хизмати харажатлари ҳисоб-сметаси \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_ -сонли шартнома 1-иловаси ҳисобланади.  
2) Мазкур ҳисоб-смета 2022 йил "01" \_\_\_\_\_ дан бошланган муносабатлар учун жорий этилади.

"ТАСДИКЛАЙМАН"

Ўзбекистон Республикаси Миллий Ғвардияси  
Навоний вилояти Куриклаш бошқармаси  
бошлиғи

Н.В. Нивзобеков



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.08.2021 йилдаги ПК-6279 ва 16.03.2021 йилдаги ПК-5029 қарори ҳамда Ўз.Рес. Молия вазирлиги ва Ўз.Рес. Мининг Ғвардияси  
Кўмондонининг 2021 йил 13-сентябрда тасдиқлаган таърифига асосан, АТБ "Қишлоққурилишбанк" Навоний минтакавий филиалини Техник куриклаш пункти орқали куриклаш сарф-  
харажатлари тугрисидаги

**ХИСОБ-СМЕТА**

"КЕЛИШИЛДИ"

АТБ "Қишлоққурилишбанк" Навоний минтакавий  
филиали бошқарувчиси

Е.Н. Нормуродов



№	Объектни номлашиши	Объект манзили, телефон рақами, иш соати, дам олиш кунлари.	Куриклаш тури	Объектда КЕОТ воситаларини мавжудлиги	Куриклаш соатлари			Ой мобайнида куриклаш соати	Куриклаш хизмати нархи				
					Иш кунлари	Дам олиш ва байрам кунлари арафаси	Дам олиш ва байрам кунлари		1 соатга	Уртача 1 ойга Хулуд коэфф. сиз 30%	Хулуд коэффици снги 30 %	КЕОТ воситалари га хизмат кўрсатиши	Уртача 1 ойга
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1	Мини банк	Кизилтепа тумани	ТКП	Мавжуд	18/09	18/09	09/09	500	6 256	3 128 000	-	29 547	3 157 547
2	Мини банк	Кизилтепа тумани	ТКП	Мавжуд	09/13- 14/18	09/13- 14/18	09/13- 14/18	243	3 128	760 104	-	29 547	789 651
1	Кониғеҗ БХКМ	Кониғеҗ тумани Ырғиғеҗ МФЙ	ТКП	Мавжуд	23/06	23/06	23/06	212	6 256	1 326 272	-	29 547	1 621 742
2			ТКП таш.туғ	Мавжуд таш.туғ	17/23	-	-	128	3 128	400 384	-	29 547	429 931
<b>Итоғоғ:</b>										<b>5 614 760</b>		<b>384 111</b>	<b>5 998 871</b>

1 ой учун жами: **5 998 871,00**

Беш миллион тўққиз юз тўқсон саккиз минг саккиз юз етмиш бир сўм 00 тийин

Навоний вилояти Куриклаш  
бошқармаси МИБ бухгалтери

Ж.Х. Сайитов



Навоний вилояти Куриклаш бошқармаси

МИБ ШХЮБ бошлиғи

М.М. Зоиров



Изоғ: 1) Ушбу куриклаш хизмати харажатлари хисоб-сметаси \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_-сонли шартнома 2-илоғаси хисобланади.  
2) Мазкур хисоб-смета 2022 йил "01" \_\_\_\_\_ дан бошланган муносабатлар учун жорий этилади.

"ТАСДИКЛАЙМАН"

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси  
Навоий вилояти Қўриқлаш бошқармаси  
бошлиғи

Н.Б.Ниязбеков



АТБ "Қишлоққурилишбанк" Навоий минтақавий  
филиали бошқарувчиси

"КЕЛИШИЛДИ"



Ғ.Н.Нормуродов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.08.2021 йилдаги ПК-6279 ва 16.03.2021 йилдаги ПК-5029 қарори ҳамда Ўз.Рес. Молия вазирлиги ва Ўз.Рес.Миллий Гвардияси қўмондонининг 2021-йил 13-сентябрда тасдиқланган тарифига асосан, АТБ "Қишлоққурилишбанк" Навоий минтақавий филиалининг Конимех БХКМ биносини Саф бўлинмалари (Соқчиллик хизмати) пости орқали қуриқлаш сарф-ҳаражатлари туғрисидаги

**Х И С О Б - С М Е Т А**

№	Объектни номланиши	Объект манзили, телефон рақами, иш соати, дам олиш кунлари.	Қуриқлаш тури	Қуриқлаш соатлари			Ой мобайнида қуриқлаш соати	Қуриқлаш хизмати нархи			
				Иш кунлари	Дам олиш ва байрам кунлари арафаси	Дам олиш ва байрам кунлари		1 соатга	Уртача 1 ойга Худуд коэфф. энз 20%	Худуд коэффицентни 20 %	Уртача 1 ойга
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
	Конимех тумани Агро банк мармурий биносидан Конимех тумани Бирлик МФЙда жойлашган АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Навоий филиалига қарашли Конимех банк хизматлар қуратиш марказига кузатиб келиш, хизмат олиб бориш ва иш вақти тугатилган сўн Конимех тумани Агро банк мармурий биносига кузатиб бориш.		Соқчиллик хизмати	09/17	-	-	171	58 304	9 969 984	347 706	10 317 690
	Жами							9 969 984	347 706	10 317 690	

1 ой учун жами: **10 317 690,00** Ун миллион уч юз етти минг олти юз тўқсон сўм 00 тийин

Навоий вилояти Қўриқлаш  
бошқармаси МИБ бухгалтери

Ж.Х.Сайитов



Навоий вилояти Қўриқлаш бошқармаси  
МИБ ШХЮБ бошлиғи

М.М.Зоиров



Изоҳ: 1) Ушбу қуриқлаш хизмати харажатлари ҳисоб-сметаси \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_ -сонли шартнома 3-иловаси ҳисобланади.  
2) Мазкур ҳисоб-смета 2022 йил "01" \_\_\_\_\_ дан бошланган муносабатлар учун жорий этилади.



"ТАСДИКЛАЙМАН"

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гардияси  
Навоий вилояти Кўриқлаш бошқармаси  
бошлиғи

Н.Б.Ниязбеков

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.08.2021 йилдаги ПК-6279 ва 16.03.2021 йилдаги ПК-5029 қарори ҳамда Ўз.Рес. Молия вазирлиги ва Ўз.Рес. Миллий Гардияси қўмондонининг 2021 йил 13-сентябрда тасдиқлаган тарифига асосан, АТБ "Қишлоққурлишбанк" Навоий минтақавий филиалини Техник қурқилаш пункти орқали қурқилаш сарф-

ҳаражатлари тўғрисидаги  
**ХИСОБ - С М Е Т А**

"КЕЛИШИЛДИ"

АТБ "Қишлоққурлишбанк" Навоий минтақавий  
филиали бошқарувчиси

Ғ.Н.Нормуродов



№	Объектни номлашиши	Объект манзили, телефон рақами, иш соати, дам олиш кунлари.	Қурқилаш тури	Объектга КЕОТ воситаларини мавжудлиги	Қурқилаш соатлари			Ой мобайнида қурқилаш соати	Қурқилаш хизмати нархи				
					Иш кунлари	Дам олиш ва байрам кунлари арафаси	Дам олиш ва байрам кунлари		1 соатга	Уртача 1 ойга Худуд коэфф-сиз 20%	Худуд коэффиценти 20 %	КЕОТ воситалари га хизмат кўрсатиш	Уртача 1 ойга
1	Банк кечки ҳазинахона		ТКП	Мавжуд	21/07	21/07	21/07	304	6 256	1 901 824	231 804	177 282	2 310 910
2	Банк пул сақлаш оморхонаси	Навоий шаҳар Гадаба шох кўчаси 149 А уй	ТКП	Мавжуд	21/07	21/07	21/07	304	6 256	1 901 824	231 804	265 923	2 399 551
3	Банк кириш шити		ТКП	Мавжуд	23/06	23/06	23/06	213	6 256	1 332 528	231 804	88 641	1 652 973
4	Шлеф прибор ШНСУ	Навоий ш. Мезморлар кўч. 11 А	ТКП	Мавжуд	23/06	23/06	23/06	213	6 256	1 332 528	-	236 376	1 568 904
5	"Ширин" минни банк	Навоий ш. Мезморлар кўч. 11 А	ТКП	Мавжуд	20/09	20/09	20/09	395	6 256	2 471 120	-	147 735	2 618 855
6	"Ширин" минни банк	Навоий ш. М.Таробий кўч. 105 А	ТКП	Мавжуд	09/20	10/18	10/18	307	6 256	960 296	-	29 547	989 843
7	"Юксалиш" минни банк	Навоий ш. М.Таробий кўч. 105 А	ТКП	Мавжуд	20/09	20/09	20/09	395	6 256	2 471 120	-	177 282	2 648 402
8	"Юксалиш" минни банк	Навоий ш. М.Таробий кўч. 105 А	ТКП	Мавжуд	09/20	10/18	10/18	307	6 256	960 296	-	29 547	989 843
9	"Тараққиёт" минни банк	Навоий ш. 17-Б кичик туман	ТКП	Мавжуд	09/20	10/18	10/18	307	6 256	3 359 472	-	118 188	3 477 660
10	"Тараққиёт" минни банк	Марказий буюм бозори яқини худ.	ТКП	Мавжуд	18/09	08/08	08/08	537	6 256	3 359 472	-	118 188	3 477 660
1	"Т.Улистон" минни банк	Навоий ш. А.Темур кўчаси 2-уй	ТКП	Мавжуд	09/18	-	-	193	3 128	603 704	-	29 547	633 251
2	"Т.Улистон" минни банк	Навоий ш. А.Темур кўчаси 2-уй	ТКП	Мавжуд	20/09	20/09	20/09	395	6 256	2 471 120	-	147 735	2 618 855
13	"Бунёдкор" банк хизматлари маркази	Навоий шаҳар Сўттинк кўрпони С.Айний кўчаси 93 уй	ТКП	Мавжуд	09/20	10/18	10/18	307	3 128	960 296	-	29 547	989 843
14	Чўтқара банк хизматлари маркази	Навоий шаҳар 1-Улистон-массивы (ИЖМК тоғ-қон институти олди)	ТКП	Мавжуд	20/09	20/09	20/09	395	6 256	2 471 120	-	295 470	2 766 590
15	Чўтқара банк хизматлари кўрсатиш маркази	Навоий шаҳар 1-Улистон-массивы (ИЖМК тоғ-қон институти олди)	ТКП	Мавжуд	09/20	10/18	10/18	307	3 128	960 296	-	29 547	989 843
16	Итого:		Таш.тулма	Мавжуд						27 588 960	695 412	1 950 102	30 234 474

1 ой учун жами:

30 234 474.00

Уттиз миллион икки юз уттиз турт минг турт юз етмиш турт сўм 00 тийин

Навоий вилояти Кўриқлаш бошқармаси МИБ бухгалтери

Ж.Х.Сайитов

Навоий вилояти Кўриқлаш бошқармаси МИБ ШХЮБ бошлиғи

М.М.Зонров

Изоҳ: 1) Ушбу кўриқлаш хизмати ҳаражатлари ҳисоб-сметаси

20 йилдаги

дан бошланган муносабатлар учун жорий этилади.

-сонли шартнома 4-иловаси ҳисобланади.

"ТАСЛИКЛАЙМАН!"

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гардиyasi  
Навоний вилояти Куриклаш бошкармаси  
бошлиғи

Н.Б. Навибеков



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.08.2021 йилдаги ПК-6279 ва 16.03.2021 йилдаги ПК-5029 қарори ҳамда Ўз.Рес. Молия вазирлиги ва Ўз.Рес. Миллий Гардиyasi қўмондонидининг 2021 йил 13-сентябрда таъдирланган таврифта аёсабид АТБ "Қишлоққурилишбанк" Навоний минтақавий филиалининг Техник қуриқлаш пунктлари орқали қуриқлаш сарф-харajatлари тузрисидаги

**ХИСОБ - СМЕТА**

"КЕЛИШИЛДН"

АТБ "Қишлоққурилишбанк" Навоний минтақавий  
филиали бошкармувчиси

Г.Н. Нормуродов



№	Объектни номлаши	Объект манзили, телефон рақами, иш соати, дам олиш кунлари.	Қуриқлаш тури	Объектда КЕОТ воситаларини мавжудлиги	Қуриқлаш соатлари				Ой мобайнида қуриқлаш соати	Қуриқлаш хизмати нархи			
					Иш кунлари	Дам олиш ва байрам кунлари арафаси	Дам олиш ва байрам кунлари	9		1	Худуд уртача 1 ойга худуд коэфф. энг 20%	Худуд коэффиценти 20%	КЕОТ воситалари та хизмат курсатини
1	Бундешкор БХКМ	Навоний шаҳар Спунтик кўрғони С.Айнинг кўчаси 93-ий	ТКП	Мавжуд	00/06	00/06	00/06	182	5 005	910 910	59 094	59 094	970 004
2	Бундешкор БХКМ	Навоний шаҳар Спунтик кўрғони С.Айнинг кўчаси 93-ий	ТКП	Мавжуд	00/06	00/06	00/06	182	5 005	910 910	59 094	59 094	970 004
<b>Итого:</b>									<b>1 821 820</b>		<b>118 188</b>		<b>1 940 008</b>

1 ой учун жамин: **1 940 008,00**

Бир миллион туққиз юз кўнра минг саксиз сўм 00 тинин

Навоний вилояти Куриклаш  
бошкармаси МИБ бухгалтери  
Ж.Х. Сайитов

Навоний вилояти Куриклаш бошкармаси  
МИБ ШХЮБ бошлиғи  
М.М. Зоиров

Изох: 1) Ушбу қуриқлаш хизмати харajatлари хисоб-сметаси \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_ -сонли шартнома 5-иловаси хисобланган.  
2) Мазкур хисоб-смета 2022 йил "01" \_\_\_\_\_ дан бошланган муносабатлар учун жорий этилади.

"ТАСЛИКЛАЙМАН"

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гардиyasi  
Навоний вилояти Куркилаш бошкармаси  
бошлиги

Н.Б. Низозбеков



"КЕЛИШИЛДИ"

АТБ "Қишлоққурилишбанк" Навоний минтақавий  
филиали бошқарувчиси

Е.Н. Нормуродов



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.08.2021 йилдаги ПҚ-6279 ва 16.03.2021 йилдаги ПҚ-5029 қарори ҳамда Ўз.Рес. Молия вазирлиги ва Ўз.Рес. Миллий Гардиyasi қўмондонининг 2021 йил  
13-сентябрда тасдиқладан тасдиқлаш асосида АТБ "Қишлоққурилишбанк" Навоний минтақавий филиалини Техник куркилаш пунктги орқали куркилаш сарф-харажатлари тўғрисидаги

**Х И С О Б - С М Е Т А**

№	Объектнинг номлашиши	Объект манзили, телефон рақами, иш соати, дам олиш кунлари.	Куркилаш тури	Объектга КЕОТ воситаларини мавжудлиги	Куркилаш соатлари			Ой мобайнида куркилаш соати	Куркилаш хизмати нархи				
					Иш кунлари	Дам олиш ва байрам кунлари арафаси	Дам олиш ва байрам кунлари		1 соатга	Худуд коэфф. сув 20%	Худуд коэффиценти 20%	КЕОТ воситалари та хизмат кўрсатиш	Уртacha 1 ойга
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1	Банк биноси енида жойлашган UZCARD 24/7	Навоний шаҳри Г. шох кўчаси 149А уй	ТКП	Мавжуд	00/06	00/06	00/06	182	5 005	910 910		59 094	970 004
2	Кўсалаш БХМни енида жойлашган UZCARD 24/7	Навоний шаҳри М. Таробий кўчаси 105А уй	ТКП	Мавжуд	00/06	00/06	00/06	182	5 005	910 910		59 094	970 004
3	Тараққет БХМни енида UZCARD 24/7	Навоний шаҳри 7-кичик даха Навоний СК худудли	ТКП	Мавжуд	00/06	00/06	00/06	182	5 005	910 910		59 094	970 004
4	Автосвадо биносидан UZCARD 24/7	Меъморлар кўчаси 11А уй Навоний Автосвадо биносидан	ТКП	Мавжуд	00/06	00/06	00/06	182	5 005	910 910		59 094	970 004
5	Банк биноси енида жойлашган НУМО 24/7	Навоний шаҳри Г. шох кўчаси 149А уй	ТКП	Мавжуд	00/06	00/06	00/06	182	5 005	910 910		59 094	970 004
6	Тараққет БХМни енида НУМО 24/7	Навоний шаҳри 7-кичик даха Навоний СК худудли	ТКП	Мавжуд	00/06	00/06	00/06	182	5 005	910 910		59 094	970 004
7	Навоний МББ худудли НУМО 24/7	Навоний шаҳри 7-кичик даха Навоний СК худудли	ТКП	Мавжуд	00/06	00/06	00/06	182	5 005	910 910		59 094	970 004
8	Навоний шаҳар МДБ Кўрүк мева павилони НУМО 24/7	Навоний шаҳри Марказий дехкон бозори кўрүк мева3	ТКП	Мавжуд	00/06	00/06	00/06	182	5 005	910 910		59 094	970 004
9	Навоний шаҳар МДБ Кўрүк мева павилони НУМО 24/7	Навоний шаҳри Марказий дехкон бозори кўрүк мева3	ТКП	Мавжуд	00/06	00/06	00/06	182	5 005	910 910		59 094	970 004
10	Кўсалаш БХМни енида жойлашган НУМО 24/7	Навоний шаҳар М. таробий кўчаси 105А уй	ТКП	Мавжуд	00/06	00/06	00/06	182	5 005	910 910		59 094	970 004
11	Навоний шаҳар И Каримов кўчаси Автобақат НУМО 24/7	Навоний шаҳар 10-МКР дехкон бозори худудли	ТКП	Мавжуд	00/06	00/06	00/06	182	5 005	910 910		59 094	970 004
<b>Итбор:</b>										<b>10 020 010</b>		<b>650 034</b>	<b>10 670 044</b>

1 ой учун жами: **10 670 044,00**

Ҳн миллион олти юз етмиш минг кўрүк тўрт сўм 00 тишин

Навоний вилояти Куркилаш бошкармаси МИБ бухгалтери

Ж.Х. Сайитов



Навоний вилояти Куркилаш бошкармаси

МИБ ШХЮБ бошлиги

М.М. Зоиров



Изох: 1) Ушбу куркилаш хизмати харажатлари хисоб-сметаси \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ йилда и \_\_\_\_\_ -сонли шартнома б-йловаси хисобланади.  
2) Мазкур хисоб-смета 2022 йил "01" \_\_\_\_\_ дан бошланган муносабатлар учун жорий этилади.

"ТАСДИКЛАЙМАН"

Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси  
Навоний вилояти Қуриқлаш бошқармаси  
бошлиғи

Н.Б.Нивзобеков



АТБ "Қишлоққурилишбанк" Навоний минтақавий  
филиали бошқарувчиси

"КЕЛИШИЛДИ"

А.Т.Н.Нормуродов  
qatish bank

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17.08.2021 йилдаги ПК-6279 ва 16.03.2021 йилдаги ПК-5029 қарори ҳамда Ўз.Рес. Молия вазирлиги ва Ўз.Рес. Миллий Гвардияси Қўмондонининг 2021 йил 13-сентябрда тасдиқлаган таврифта асосан, АТБ "Қишлоққурилишбанк" Навоний минтақавий филиалининг Зарафшон шаҳар БХМни Техник қуриқлаш пункти орқали қуриқлаш сарф-харажатлари тўғрисидаги

**Х И С О Б - С М Е Т А**

№	Объектни номлашиши	Объект манзили, телефон рақами, иш соати, дам олиш кунлари.	Қуриқлаш тури	Объектда КЕОТ воситаларини мавжудлиги	Қуриқлаш соатлари			Ой мобайнида қуриқлаш соати	Қуриқлаш хизмати нархи				
					Иш кунлари	Дам олиш ва байрам кунлари арафаси	Дам олиш ва байрам кунлари		1 соатга	Уртача 1 ойга уртача 1 ойга Худуд коэфф. сиз 30%	Худуд коэффици енти 30 %	КЕОТ воситалари та хизмат қўрағини	Уртача 1 ойга
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
1	Зарафшон шаҳар 11 кичик тумани 16а-у'й		ТКП	Мавжуд	18/09	09/09	09/09	538	6 256	3 365 728	-	295 470	3 661 198
2			ТКП	Мавжуд	09/18	-	-	192	3 128	600 576	-	29 547	630 123
<b>Итого:</b>			таш.тўлма						<b>3 966 304</b>			<b>325 017</b>	<b>4 291 321</b>

1 ой учун жами:

4 291 321,00

Тўрт миллион икки юз тўқсон бир минг уч юз йилгирма бир сўм 00 тийин

Навоний вилояти Қуриқлаш  
бошқармаси МИБ бўхгалтери

Ж.Х.Сайитов

Навоний вилояти Қуриқлаш бошқармаси

МИБ ШХЮБ бошлиғи

М.М.Зиоров

Изох: 1) Ушбу қуриқлаш хизмати харажатлари ҳисоб-сметаси \_\_\_\_\_ 20 \_\_\_\_\_ йилдаги \_\_\_\_\_ -сонли шартнома 7-иловаси ҳисобланади.  
2) Мазкур ҳисоб-смета 2022 йил "01" \_\_\_\_\_ дан бошланган муносабатлар учун жорий этилади.